ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

В.И. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

БОЛТАЕВ АЗИЗ КУЗИЕВИЧ

ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАНУВЧИ ФУНКЦИЯЛАР СИНФИДА ОПТИМАЛ ПАНЖАРАЛИ КВАДРАТУР ВА ИНТЕРПОЛЯЦИОН ФОРМУЛАЛАР

01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК: 519.652, 519.644

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

В.И. РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

БОЛТАЕВ АЗИЗ КУЗИЕВИЧ

ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАНУВЧИ ФУНКЦИЯЛАР СИНФИДА ОПТИМАЛ ПАНЖАРАЛИ КВАДРАТУР ВА ИНТЕРПОЛЯЦИОН ФОРМУЛАЛАР

01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/FM342 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Шадиметов Холматвай Махкамбаевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Алоев Рахматилло Джураевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Баротов Адизжон Садиевич физика-математика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_________ 2021 йил соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2021 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.Р. Марахимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З.Р. Рахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

Р.Д.Алоев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш хузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар, аксарият ҳолларда, зилзиланинг сейсмограммаларини таҳлил қилиш, оптик тизимлар ва синтез қилинган голограммаларни моделлаштириш, компьютер томографияси тасвирларини таҳлил қилиш масалаларига келтирилади. Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ва интеграл тенгламаларнинг сонли аналитик ечимлари квадратур, кубатур ва интерполяцион формулалар орқали ифодаланиб, сонли алгебра, сонли интеграллаш назарияси, интерполяция, аппроксимация ва шу каби бошқа масалаларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Шу сабабли дифференциалланувчи функциялар синфида экспоненциал-тригонометрик функцияларга аниқ бўлган оптимал квадратур ва интерполяцион формулаларни тадқиқ этиш, маълум Гильберт фазосида қурилган оптимал квадратур формулаларнинг яқинлашиш тартибларини топиш ҳисоблаш математикасининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда турли функционал фазоларда аниқлиги юқори бўлган оптимал ва энг яхши квадратур, кубатур ҳамда интерполяцион формулалар кенг тадқиқ этилмоқда. Оптимал ва энг яхши квадратур, кубатур ҳамда интерполяцион формулалар чегаравий шартлар билан боғланган хусусий ҳосилалали дифференциал тенгламалар ва интеграл тенгламаларни сонли-аналитик ечишда, аниқ ва хосмас интегралларни тақрибий ҳисоблашда, маълум функциялар фазоларида функцияларни яқинлаштиришда кенг қўлланилади. Шу сабабли дифференциалланувчи функциялар синфида оптимал квадратур ва интерполяцион формулаларни қуриш, уларнинг хатоликларини баҳолаш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган шаҳарсозлик муҳандислиги, саноат муҳандислиги, компьютер томографияси, геофизика масалаларини сонли-аналитик ечиш усулларини ишлаб чиқиш каби долзарб йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, турли фазоларда оптимал панжарали квадратур, кубатур ва интерполяцион формулалар қуриш, уларнинг хатоликларини Гильберт фазоларида баҳолаш бўйича муҳим натижаларга эришилди. «Функционал анализ, алгебра, дифференциал тенгламалар, математик физика, математик моделлаштириш, ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика» устувор йўналишлар бўйича ҳалкаро стандартлар даражасидаги илмий изланишлар олиб бориш ЎзР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади[1]. Қарор ижросини таъминлашда квадратур ва интерполяцион формулалар ҳамда интерполяцион сплайн функцияларни қуриш, уларнинг хатоликларини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий- тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4708-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Квадратур формулалар дифференциал ва интеграл тенгламаларни тақрибий ечишда асосий воситалардан ҳисобланади. Оптимал квадратур формулаларни қуриш учун янги алгоритмларни ишлаб чиқиш, функцияларнинг турли фазоларида уларнинг хатоликларини баҳолаш муҳим вазифалардандир. Ҳозирги вақтда тақрибий интеграллаш учун формулаларни оптималлаштириш масаласи – бу берилган функциялар фазосида хатолик функционали нормасининг минимумини топишдан иборат. Хатолик функционали нормасини коэффициентлар ва тугун нуқталар орқали минимумини топиш С.М. Никольский масаласи, фиксирланган тугун нуқталарда коэффициентлар орқали минимумини топиш эса А. Сард масаласи дейилади. Никольский ва Сард масалаларининг ечимлари мос равишда Никольский ва Сард маъносидаги оптимал квадратур формулалар деб номланади. Биз С.М. Никольский масаласига тўхталмаймиз. Бу борадаги илмий тадқиқотлар С.М. Никольский, Н.П. Корнейчук, А.А. Женсыкбаев ва бошқаларнинг ишларида келтирилган.

Сард маъносидаги оптимал квадратур формулаларни сплайнлар, φ - функциялар ва Соболев методлари ёрдамида қуриш мумкин. I.Schoenberg нинг ишида Сард маъносида қурилган оптимал квадратур формула ва натурал сплайнлар орасидаги боғлиқлик кўрсатилган. Турли фазоларда сплайн функциялар методи ёрдамида А.Сард, L.F.Meyers, I.Schoenberg, S.Silliman, G.Coman, А.А.Малюков, И.И.Орлов, P.Kohler ва бошқалар ишларида оптимал квадратур формулалар қурилган. Биринчи марта D.V.Ionescu нинг ишида φ-функциялар методи муҳокама қилинган. Бу метод ҳақида P. Blaga, G. Coman ларнинг ишларида тўлиқ маълумот берилган. A.Ghizzetti, A.Ossicini ва F.Lanzara ларнинг ишларида φ -функциялар методининг умумлашмаси келтирилган. Бунда D^r операторнинг ўрнига r - тартибли умумий чизиқли дифференциал оператордан фойдаланилган. Шуни таъкилаш жоизки, Соболев методи чизиқли дифференциал операторларнинг дискрет аналогларидан фойдаланишга асосланган. Ушбу метод орқали Сард маъносидаги оптимал квадратур формула коэффициентларининг аналитик кўринишлари олинади.

Гильберт ва Банах фазоларида асимптотик оптимал ва тартиб бўйича оптимал кубатур формулалар қуриш С.Л. Соболев, В.И. Лебедев, И.П. Мысовских, Ғ.Н. Салихов, М.Д. Рамазанов, В.И. Половинкин, В.Л. Васкевич, М.И. Исроилов, С.Ш. Шушбаев, Т.Ҳ. Шарипов, Ғ.П. Исматуллаев, Э.А. Шамсиев ва бошқаларнинг ишларида келтирилган. Маълум бир Гильберт фазоларда мос дифференциал операторларнинг дискрет аналогларига асосланиб, оптимал квадратур ва интерполяцион формулалар, ярим нормага минимум берувчи интерполяцион натурал сплайнлар қуриш масалалари бўйича С.Л. Соболев, З.Ж. Жамалов, Х.М. Шадиметов, G.V. Milovanović, A. Cabada, А.Р. Ҳаётов, Ф.А. Нуралиев, Н.Д. Болтаевларнинг тадқиқотлари натижаларини алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Математика институтининг илмий-тадқиқот режаларининг Ф4-ФА-Ф013 «Ноассоциатив ва операторлар алгебралари, динамик системалар, ҳамда уларнинг статистик физика ва популяцион биологияга тадбиқлари», ОТ-Ф4-86 “Гильберт фазоларида дифференциал ва интеграл тенгламаларни тақрибий ечишнинг оптимал методларини ишлаб чиқиш, ЁФА-Фтех-2018-13 “Сингуляр тенгламаларни тақрибий-аналитик ечишнинг оптимал алгоритмларини ишлаб чиқиш” мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дифференциалланувчи функциялар синфида экспоненциал-тригонометрик функцияларга аниқ бўлган оптимал панжарали квадратур ва интерполяцион формулаларни қуриш, уларнинг хатолик функционали нормасини ҳисоблашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

$W_2^{(m,0)}$ Гильберт фазосида квадратур формулаларнинг экстремал функциясини топиш;

$W_2^{(m,0)}$ фазосида квадратур формулаларнинг хатолик функцонали нормасининг квадрати учун аналитик формула олиш;

$W_2^{(m,0)}$ фазосида оптимал квадратур ва интерполяцион формулаларнинг мавжудлиги ва ягоналигини исботлаш;

$W_2^{(m,0)}$ фазосида оптимал квадратур ва интерполяцион формулалар коэффициентларининг аналитик кўринишларини топиш;

$W_2^{(m,0)}$ фазосида қурилган оптимал квадратур формулаларнинг яқинлашиш тартибларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти квадратур ва интерполяцион формулалар, чизиқли дифференциал операторларнинг дискрет аналоглари, хатолик функционаллари ва гильберт фазоларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети экстремал функциялар, экспоненциал-тригонометрик функцияларга аниқ бўлган оптимал квадратур ва интерполяцион формулалар, $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}}-1$ ва $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}}+2\frac{d^{m}}{dx^{m}}+1$ дифференциал операторларнинг дискрет аналоглари, $W_2^{(m,0)}(0,1)$ гильберт фазосидан олинган функциялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида ҳисоблаш математикаси, функционал анализ, ҳамда дифференциал тенгламалар назарияси, умумлашган функциялар, дискрет аргументли функциялар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

$W_2^{(m,0)}(0,1)$ фазосида экспоненциал-тригонометрик функцияларга аниқ бўлган квадратур формулаларнинг экстремал функцияси топилган;

экспоненциал-тригонометрик функцияларга аниқ бўлган оптимал квадратур формуланинг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган;

m тоқ бўлганда $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}}-1$ ва $\frac{d^{8}}{dx^{8}}+2\frac{d^{4}}{dx^{4}}+1$ дифференциал операторларнинг дискрет аналоглари қурилган;

$W_2^{(m,0)}$ фазосида $m=1,2,3$ бўлганда экспоненциал-тригонометрик функцияларга аниқ бўлган оптимал квадратур ва интерполяцион формулалар коэффициентларининг аналитик кўринишлари олинган;

$W_2^{(m,0)}$ фазосида $m=1,2,3$ бўлганда экспоненциал-тригонометрик функцияларга аниқ бўлган оптимал квадратур формулалар хатолик функционалининг нормаси ҳисобланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат**:**

қурилган дискрет оператор асосида Фурье қаторининг ўзгарувчан коэффициентлари сонли ҳисобланган;

оптимал панжарали квадратур формула ёрдамида мураккаб табиий тизимларда ҳосил бўладиган динамик жараёнларнинг математик моделлари қурилган;

кўндаланг тўлқинлар тарқалиши тенгламалари учун тўғри ва тескари масалаларни сонли ҳисоблаш схемалари қурилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги квадратур формулалар назарияси, ҳисоблаш математикаси, функционал анализ, дискрет аргументли функциялар назарияси методларини қўлланилганлиги, ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация ишида $W_2^{(m,0)}$ гильберт фазосида аниқ интегралларни тақрибий ҳисоблашда, экспоненциал-тригонометрик функцияларга аниқ бўлган оптимал панжарали квадратур формулалар ва интерполяцион формулалар қурилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация ишида қурилган оптимал панжарали квадратур ва интерполяцион формулалар аниқ интегралларни сонли ҳисоблаш усуллари ёрдамида кимё, шаҳарсозлик, электромеханика ва саноат муҳандисликлари масалаларини ечишга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Экспоненциал-тригонометрик функцияларга аниқ бўлган оптимал панжарали квадратур ва интерполяцион формулалар қуриш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

$\frac{d^6}{dx^6}-1$ дифференциал операторнинг $D_3\left[\beta\right]$ дискрет аналоги асосида қурилган оптимал квадратур формула ОТ-Ф4-02 рақамли “Математик физиканинг ҳолатлар тўплами чексиз бўлган моделлари термодинамикаси” амалий лойиҳасида интегро-дифференциал тўлқин тарқалиш тенгламасида интеграл ҳади ядроси бирор фазовий ўзгарувчиси бўйича чекли Фурье қатори кўринишига эга бўлганда ушбу қаторнинг ўзгарувчан коэффициентларини топиш масалаларини сонли ҳисоблашда қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 сентябрдаги 89-03-3570-сонли маълумотномаси). Натижада, Фурье қаторининг ўзгарувчан коэффициентларини сонли ҳисоблашга имкон берган;

$W_2^{(3,0)}\left(0,1\right)$ фазосида функцияларни яқинлаштириш учун қурилган оптимал интерполяцион формула, А-13-38-“ Икки фазали муҳит ночизиқли тўлқин динамикаси учун тўғри ва тескари масалаларнинг назарий ва сонли тадқиқ қилиш” амалий лойиҳасида кўндаланг тўлқинлар тарқалиши тенгламалари учун тўғри ва тескари масалаларни сонли ҳисоблаш схемаларини ишлаб чиқишда қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 октябрдаги 89-03-4075-сон маълумотномаси). Натижада, бир ўлчовли тескари динамик (шу жумладан, чизиқли бўлмаган) масалаларнинг шартли барқарорлигини баҳолашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 1 таси хорижий ва 8 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экспоненциал-тригонометрик функцияларга аниқ бўлган квадратур формулаларнинг хатолик функционали нормасининг квадрати**» деб номланган биринчи бобида $W_2^{(m,0)}$ фазосида Сард маъносида оптимал квадратур формулалар қуриш масаласи қўйилган ва бу масаланинг биринчи қисми ечилган.

Қуйидаги квадратур формулани қараймиз

$$\int_0^1 \varphi(x)dx \cong \sum_{\beta=0}^{N} C[\beta]\varphi(x_\beta), \tag{1}$$

бунда $C[\beta]$ ва x_β $\left(x_\beta \in [0,1]\right)$ лар (1) квадратур формуланинг *коэффициентлари* ва *тугун нуқталари* дейилади, φ функция эса қуйидагича аниқланган $W_2^{(m,0)}$ чизиқли фазонинг элементидир

$$W_2^{(m,0)}(0,1) = \left\{\varphi : [0,1] \to \mathbb{R} \middle| \varphi^{(m-1)} \textit{ абсолют узлуксиз ва } \varphi^{(m)} \in L_2(0,1)\right\}.$$

Ушбу функциялар синфи $W_2^{(m,0)}$ қуйидаги скаляр кўпайтма ёрдамида

$$\langle \varphi, \psi \rangle_m = \int_0^1 \left(\varphi^{(m)}(x) + \varphi(x)\right)\left(\psi^{(m)}(x) + \psi(x)\right)dx \tag{2}$$

гильберт фазоси бўлади.

Шунингдек, $W_2^{(m,0)}$ гильберт фазосида

$$\left\|\varphi \middle| W_2^{(m,0)}\right\| = \left\{\int_0^1 \left[\varphi^{(m)}(x) + \varphi(x)\right]^2 dx\right\}^{\frac{1}{2}} \tag{3}$$

(2) скаляр кўпайтмага мос ярим норма киритилади. Унинг ноль элементи $\varphi^{(m)}(x) + \varphi(x) = 0$ тенгламанинг ечимидир.

Интеграл ва квадратур йиғинди орасидаги қуйидаги айирма

$$\int_0^1 \varphi(x)dx - \sum_{\beta=0}^{N} C[\beta]\varphi(x_\beta) = (\ell, \varphi) = \int_{-\infty}^{\infty} \ell(x)\varphi(x)dx \tag{4}$$

(1) – квадратур формуланинг хатолиги дейилади, ҳамда бу айирмага

$$\ell(x) = \varepsilon_{[0,1]}(x) - \sum_{\beta=0}^{N} C[\beta]\delta(x - x_\beta) \tag{5}$$

кўринишга эга хатолик функционали мос келади. Бу ерда $\varepsilon_{[0,1]}(x)$ − [0,1] кесмасининг характеристик функцияси, ҳамда $\delta(x)$ − Диракнинг дельта–функцияси.

Коши-Шварц тенгсизлигига асосан, қуйидаги баҳога эга бўламиз

$$\left|\left(\ell,\varphi\right)\right|\le\left\|\varphi\left|W_2^{(m,0)}\right.\right\|\left\|\ell\left|W_2^{(m,0)*}\right.\right\|.$$

Демак, $W_2^{(m,0)}$ фазода (1) квадратур формуланинг абсолют хатолиги қўшма фазодаги ℓ хатолик функционали нормаси ёрдамида юқоридан баҳоланади. Бундан, қуйидаги масалага эга бўламиз.

1-масала. (1) квадратур формуланинг (5) хатолик функционали $\left\|\ell\left|W_2^{(m,0)*}\right.\right\|$ нормасини ҳисоблаш.

(5) тенгликдан кўриниб турибдики, хатолик функционалининг $\left\|\ell\left|W_2^{(m,0)*}\right.\right\|$ нормаси $C\left[\beta\right]$ коэффициентларга ва x_β тугун нуқталарга боғлиқ.

$W_2^{(m,0)}$ фазода Сард маъносида оптимал квадратур формула қуриш учун қуйидаги масалани ечиш керак бўлади.

2-масала. $W_2^{(m,0)}$ фазода

$$\left\|\overset{\circ}{\ell}\left|W_2^{(m,0)*}\right.\right\|=\inf_{C[\beta]}\left\|\ell\left|W_2^{(m,0)*}\right.\right\|$$

тенгликни қаноатлантирувчи $C\left[\beta\right]$ коэффициентларини топиш.

Хатолик функционали (5) нормасини ҳисоблаш учун қуйидаги тенгликни қаноатлантирувчи ψ_ℓ экстремал функция тушунчасидан фойдаланамиз

$$\left(\ell,\psi_\ell\right)=\left\|\ell\left|W_2^{(m,0)*}\right.\right\|\left\|\psi_\ell W_2^{(m,0)}\right\|. \qquad (6)$$

$W_2^{(m,0)}$ фазо гильберт фазоси бўлгани учун чизиқли узлуксиз функционалнинг умумий кўриниши ҳақидаги Рисс теоремасидан $W_2^{(m,0)}$ фазосида қуйидаги тенгликни қаноатлантирувчи ягона ψ_ℓ функция мавжуд

$$\left(\ell,\varphi\right)=\left\langle\psi_\ell,\varphi\right\rangle_m \qquad (7)$$

ва $\left\|\ell\right\|=\left\|\psi_\ell\right\|$, бунда $\left\langle\psi_\ell,\varphi\right\rangle_m$ бу $W_2^{(m,0)}$ фазосидаги ψ_ℓ ва φ функцияларнинг скаляр кўпайтмаси. (7) тенгламани ечиш билан шуғулланамиз. (7) тенгламанинг ўнг томонини бўлаклаб интеграллаш орқали қуйидагига эга бўламиз

$$\left(\ell,\varphi\right)=\left(-1\right)^m\int\limits_0^1\left(\psi_\ell^{(2m)}\left(x\right)+\psi_\ell^{(m)}\left(x\right)+\left(-1\right)^m\psi_\ell^{(m)}\left(x\right)+\left(-1\right)^m\psi_\ell\left(x\right)\right)\varphi\left(x\right)dx+$$

$$+\sum_{s=0}^{m-1}\left(-1\right)^s\left(\psi_\ell^{(m+s)}\left(x\right)+\psi_\ell^{(s)}\left(x\right)\right)\varphi^{(m-s-1)}\left(x\right)\Big|_0^1 .$$

Бу ердан, биз, m сонининг тоқ ва жуфт ҳоллари учун мос равишда қуйидаги тенгликларга келамиз: m- тоқ бўлганда

$$(\ell,\varphi)=(-1)^m\int_0^1\left(\psi_\ell^{(2m)}(x)-\psi_\ell(x)\right)\varphi(x)dx+$$

$$+\sum_{s=0}^{m-1}(-1)^s\left(\psi_\ell^{(m+s)}(x)+\psi_\ell^{(s)}(x)\right)\varphi^{(m-s-1)}(x)\Big|_0^1 \tag{8}$$

ва m- жуфт бўлганда

$$(\ell,\varphi)=\int_0^1\left(\psi_\ell^{(2m)}(x)+2\psi_\ell^{(m)}(x)+\psi_\ell(x)\right)\varphi(x)dx+$$

$$+\sum_{s=0}^{m-1}(-1)^s\left(\psi_\ell^{(m+s)}(x)+\psi_\ell^{(s)}(x)\right)\varphi^{(m-s-1)}(x)\Big|_0^1 \tag{9}$$

ψ_ℓ экстремал функцияни топиш учун m нинг мос келадиган қийматларига қараб (8) ёки (9) ифодаларни кўриб чиқиш зарурлиги аниқ.

Аввалига m - тоқ бўлсин, у ҳолда ψ_ℓ функциянинг ягоналигини инобатга олиб, қуйидаги тенгламани оламиз

$$\psi_\ell^{(2m)}(x)-\psi_\ell(x)=(-1)^m\ell(x) \tag{10}$$

бунда

$$\left[\left(\psi_\ell^{(m+i)}(x)+\psi_\ell^{(i)}(x)\right)\right]\Big|_{x=0}^{x=1}=0,\quad i=\overline{0,m-1}\ . \tag{11}$$

чегаравий шартлар ўринли.

Қуйидаги исботланган

Теорема 1. m - тоқ бўлганда (11) чегаравий шартлар билан берилган (10) тенгламанинг ечими (1) – квадратур формула ℓ хатолик функционалининг ψ_ℓ экстремал функцияси бўлиб у қуйидаги кўринишга эга

$$\psi_\ell(x)=(-1)^m\ell(x)*G_m(x)+Y_m(x), \tag{12}$$

бунда

$$G_m(x)=\frac{\mathrm{sign}x}{2m}\cdot\left[\sinh(\mathrm{x})+\sum_{k=1}^{m-1}e^{x\cdot\cos\left(\frac{\pi k}{m}\right)}\cdot\cos\left(x\sin\left(\frac{\pi k}{m}\right)+\frac{\pi k}{m}\right)\right] \tag{13}$$

ва

$$Y_m(x)=d_0e^{-x}+\sum_{k=1}^{\frac{m-1}{2}}e^{-x\cdot\cos\frac{2\pi k}{m}}\left[d_{1k}\cos\left(x\sin\left(\frac{2\pi k}{m}\right)\right)+d_{2k}\sin\left(x\sin\left(\frac{2\pi k}{m}\right)\right)\right], \tag{14}$$

d_0, d_{1k} ва d_{2k} – ихтиёрий ҳақиқий сонлар.

Бунда ℓ функционал $W_2^{(m,0)}$ фазода аниқланганлиги учун қуйидаги шартлар бажарилади

$$(\ell,e^{-x})=0\ , \tag{15}$$

$$\left(\ell, e^{-x\cos\frac{2\pi k}{m}}\cos\left(x\sin\frac{2\pi k}{m}\right)\right)=0,\quad k=\overline{1,\frac{m-1}{2}}\ , \tag{16}$$

$$\left(\ell, e^{-x\cos\frac{2\pi k}{m}}\sin\left(x\sin\frac{2\pi k}{m}\right)\right)=0,\quad k=\overline{1,\frac{m-1}{2}}\ . \tag{17}$$

Бу ердан $m-$тоқ бўлганда (1) – квадратур формула қуйидаги функцияларга аниқ бўлади деб хулоса қиламиз.

$$e^{-x},\ e^{-x\cos\frac{2\pi k}{m}}\cos\left(x\sin\frac{2\pi k}{m}\right),\ e^{-x\cos\frac{2\pi k}{m}}\sin\left(x\sin\frac{2\pi k}{m}\right),\ k=\overline{1,\frac{m-1}{2}}$$

m жуфт бўлсин, у ҳолда ψ_ℓ функциянинг ягоналигини инобатга олиб, қуйидаги тенгламани оламиз

$$\psi_\ell^{(2m)}(x)+2\psi_\ell^{(m)}(x)+\psi_\ell(x)=\ell(x) \tag{18}$$

бунда

$$\left[\left(\psi_\ell^{(m+i)}(x)+\psi_\ell^{(i)}(x)\right)\right]\Bigg|_{x=0}^{x=1}=0,\quad i=\overline{0,m-1} \tag{19}$$

чегаравий шартлар ўринли.

Қуйидаги исботланган

Теорема 2. m- жуфт бўлганда (19) чегаравий шартлар билан берилган (18) тенгламанинг ечими (1) – квадратур формула ℓ хатолик функционалининг ψ_ℓ экстремал функцияси бўлиб у қуйидаги кўринишга эга

$$\psi_\ell(x)=(-1)^m\ell(x)*G_m(x)+Y_m(x), \tag{20}$$

бунда

$$G_m(x)=\frac{\text{sign}x}{2}\cdot\sum_{k=1}^{m}e^{p_kx}\left(B_{1k}+B_{2k}\right), \tag{21}$$

ва

$$Y_m(x)=\sum_{k=1}^{\frac{m}{2}}e^{-x\cdot\cos\frac{(2k-1)\pi}{m}}\left[r_{1k}\cos\left(x\sin\left(\frac{(2k-1)\pi}{m}\right)\right)+r_{2k}\sin\left(x\sin\left(\frac{(2k-1)\pi}{m}\right)\right)\right] \tag{22}$$

B_{1k}, B_{2k} ва p_k - маълум катталиклар, r_{1k} ва r_{2k} - ҳақиқий сонлар.

Бунда ℓ функционал $W_2^{(m,0)}$ фазода аниқланганлиги учун қуйидаги шартлар бажарилади

$$\left(\ell, e^{-x\cos\frac{(2k-1)\pi}{m}}\cos\left(x\sin\frac{(2k-1)\pi}{m}\right)\right)=0,\quad k=\overline{1,\frac{m}{2}}\ , \tag{23}$$

$$\left(\ell, e^{-x\cos\frac{(2k-1)\pi}{m}}\sin\left(x\sin\frac{(2k-1)\pi}{m}\right)\right)=0,\quad k=\overline{1,\frac{m}{2}}\ . \tag{24}$$

Бу ердан $m-$жуфт бўлганда (1) – квадратур формула қуйидаги функцияларга аниқ бўлади деб хулоса қиламиз.

$$e^{-x\cos\frac{(2k-1)\pi}{m}}\cos\left(x\sin\frac{(2k-1)\pi}{m}\right),\ e^{-x\cos\frac{2\pi k}{m}}\sin\left(x\sin\frac{(2k-1)\pi}{m}\right),\ k=\overline{1,\frac{m}{2}}.$$

Кейинчалик, (12) ва (20) топилган экстремал функцияларидан фойдаланиб, ℓ хатолик функционали нормасининг квадрати учун қуйидаги ифода топилган

$$\left\|\ell|W_2^{(m,0)*}\right\|^2 = 2\sum_{\beta=0}^{N} C[\beta]\int_0^1 G_m(x-x_\beta)dx -$$

$$-\sum_{\beta=0}^{N}\sum_{\gamma=0}^{N} C[\beta]C[\gamma]G_m(x_\beta - x_\gamma) - \int_0^1\int_0^1 G_m(x-y)dxdy\ . \qquad (25)$$

Шундай қилиб, 1-масала тўла ечиди.

Кейин, 1.4 – параграфда $W_2^{(m,0)}$ фазода $m-$ тоқ бўлганда (1)-кўринишдаги Сард маъносида оптимал квадратур формулаларнинг $C[\beta]$ коэффициентлар учун чизиқли тенгламалар системаси олинган. Ушбу системанинг ечими мавжуд ва ягоналиги исботланган. Ҳамда, бу ечим ℓ хатолик функционали нормасининг квадратига минимум бериши исботланган.

Таъкидлаш жоизки, $W_2^{(m,0)}$ фазода m- жуфт бўлганда ҳам, шунга ўхшаш натижаларни олиш мумкин.

Гильберт фазоларида оптимал квадратур ва интерполяцион формулаларни қуришнинг Соболев методи дифференциал операторларнинг дискрет аналогларига асосланган ва оптимал коэффициентларнинг ошкор кўринишини олишга имкон беради. Ушбу диссертация ишида $W_2^{(m,0)}$ фазода оптимал формулаларни қуриш учун бизга баъзи бир дифференциал операторларнинг мос дискрет аналоглари керак бўлади.

«**Дифференциал операторларнинг дискрет аналоглари**» деб номланган иккинчи боби керак бўладиган m - тоқ бўлганда $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}}-1$ ва $m=2;4$ бўлганда $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}}+2\frac{d^m}{dx^m}+1$ дифференциал операторларнинг дискрет аналогларини қуришга бағишланган.

Ушбу

$$D_m[\beta]*G_m[\beta]=\delta[\beta] \qquad (26)$$

тенгламанинг ечими $D_m[\beta]$, m - тоқ бўлганда $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}}-1$ ва $m=2;4$ бўлганда $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}}+2\frac{d^m}{dx^m}+1$ дифференциал операторларнинг мос дискрет аналоги дейилади. Бу ерда $G_m[\beta]$ бу m- тоқ бўлганда (13) тенглик билан ва $m=4$ бўлганда (21)–тенглик билан аниқланган $G_m(x)$ функцияларга мос дискрет аргументли функция. 2.1 параграфда m тоқ бўлганда $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}}-1$ дифференциал операторнинг дискрет аналоги қурилган.

Қуйидаги исботланган

Теорема 3. $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}}-1$ дифференциал операторнинг m-тоқ бўлганда (26)-тенгликни қаноатлантирувчи $D_m\left[\beta\right]$ дискрет аналоги қуйидаги кўринишга эга

$$D_m\left[\beta\right]=\frac{m}{K}\cdot\begin{cases}\sum\limits_{k=1}^{m-1}A_k\cdot\tau_k^{|\beta|-1}, & |\beta|\geq 2,\\ 1+\sum\limits_{k=1}^{m-1}A_k, & |\beta|=1,\\ M_1-\frac{K_1}{K}+\sum\limits_{k=1}^{m-1}\frac{A_k}{\tau_k}, & \beta=0,\end{cases} \tag{27}$$

бунда $K,\,K_1,\,M_1,\;A_k,\tau_k$ – маълум катталиклар ва $|\tau_k|<1$.

2.2 параграфда $\frac{d^4}{dx^4}+2\frac{d^2}{dx^2}+1$ операторнинг дискрет аналоги келтирилган, $\frac{d^8}{dx^8}+2\frac{d^4}{dx^4}+1$ операторнинг дискрет аналоги қурилган ва қуйидаги натижа олинган.

Теорема 4. $m=4$ да (26)-тенгликни қаноатлантирувчи $\frac{d^8}{dx^8}+2\frac{d^4}{dx^4}+1$ дифференциал операторнинг $D_4\left[\beta\right]$ дискрет аналоги қуйидаги кўринишга эга

$$D_4\left[\beta\right]=\frac{8}{F_1}\cdot\begin{cases}\sum\limits_{k=1}^{3}A_{1k}\cdot\lambda_{1k}^{|\beta|-1}, & |\beta|\geq 2,\\ 1+\sum\limits_{k=1}^{3}A_{1k}, & |\beta|=1,\\ F_2+\sum\limits_{k=1}^{m-1}\frac{A_{1k}}{\lambda_{1k}}, & \beta=0,\end{cases} \tag{28}$$

$F_1,\,F_2,\;A_{1k},\lambda_{1k}$ – маълум катталиклар ва $|\lambda_{1k}|<1$.

2.3 параграфда $\frac{d^6}{dx^6}-1$ дифференциал оператор дискрет аналогининг барча хоссалари исботланган.

Қуйидаги натижа ўринли

Натижа 1. $\frac{d^6}{dx^6}-1$ дифференциал операторнинг $D_3\left[\beta\right]$ дискрет аналоги қуйидаги хоссалларни қаноатлантиради

1) $D_3\left[\beta\right]*e^{[\beta]}=0,$ 4) $D_3\left[\beta\right]*e^{\frac{[\beta]}{2}}\cdot\sin\left(\frac{\sqrt{3}}{2}[\beta]\right)=0,$

2) $D_3[\beta]*e^{-[\beta]}=0,$ 5) $D_3[\beta]*e^{-\frac{[\beta]}{2}}\cdot\cos\left(\frac{\sqrt{3}}{2}[\beta]\right)=0,$

3) $D_3[\beta]*e^{\frac{[\beta]}{2}}\cdot\cos\left(\frac{\sqrt{3}}{2}[\beta]\right)=0,$ 6) $D_3[\beta]*e^{-\frac{[\beta]}{2}}\cdot\sin\left(\frac{\sqrt{3}}{2}[\beta]\right)=0.$

Диссертациянинг «**Экспоненциал-тригонометрик функцияларга аниқ оптимал квадратур ва интерполяцион формулаларнинг коэффициентлари**» деб номланган учинчи бобида $W_2^{(m,0)}$ фазода $m=1,2$ ва $m=3$ бўлганда оптимал квадратур формулаларнинг коэффициентлари топилган ва ℓ хатолик функционалининг нормаси ҳисобланган. Бунда иккинчи бобнинг натижаларидан фойдаланилган, яъни $\frac{d^2}{dx^2}-1,\ \frac{d^4}{dx^4}+2\frac{d^2}{dx^2}+1$ ва $\frac{d^6}{dx^6}-1$ дифференциал операторларнинг $D_m[\beta]$ дискрет аналоглари қўлланилган. 3.1 параграфда $W_2^{(m,0)}$ фазода m - тоқ бўлганда оптимал коэффициентларни топиш алгоритми берилган.

3.2 параграфда $W_2^{(1,0)}$ ва $W_2^{(2,0)}$ фазоларда (1) кўринишдаги Сард маъносида квадратур формулаларнинг оптимал коэффициентлари келтирилган. Ушбу ҳоллардаги натижалар, $W_2^{(1,0)}$ и $K_2(P_2)$ фазоларда Х.М.Шадиметов ва А.Р.Хаётов ишларидаги олинган натижалар билан мос тушади.

$m=1$ бўлганда қуйидаги ўринли

Теорема 5. $W_2^{(1,0)}$ фазода (1) кўринишдаги Сард маъносида оптимал квадратур формуланинг коэффициентлари қуйидаги кўринишга эга

$$C[\beta]=\begin{cases}\dfrac{e^h-1}{e^h+1}, & \beta=0,N,\\[2ex] \dfrac{2\left(e^h-1\right)}{e^h+1}, & \beta=\overline{1,N-1},\end{cases} \tag{29}$$

бу ерда $h=1/N$, $N=1,2,\ldots$.

$m=2$ бўлганда қуйидаги ўринли

Теорема 6. $W_2^{(2,0)}$ фазода (1) кўринишдаги Сард маъносида оптимал квадратур формуланинг коэффициентлари қуйидаги кўринишга эга

$$\begin{aligned}C[0]=C[N]&=\frac{2\sin(h)-\left(h+\sin(h)\right)\cos(h)}{\left(h+\sin(h)\right)\sin(h)}+\frac{\left(h-\sin(h)\right)\left(\lambda_1+\lambda_1^{N+1}\right)}{\left(h+\sin(h)\right)\sin(h)\left(1+\lambda_1^{N+1}\right)}\\ C[\beta]&=\frac{4\left(1-\cos(h)\right)}{h+\sin(h)}+\frac{2h\left(h-\sin(h)\right)\sin(h)}{\left(h+\sin(h)\right)\left(h\cos(h)-\sin(h)\right)\left(1+\lambda_1^{N+1}\right)}\left(\lambda_1^{\beta}+\lambda_1^{N-\beta}\right)\end{aligned} \tag{30}$$

бу ерда $\beta=\overline{1,N-1}$, λ_1 – маълум катталик ва $|\lambda_1|<1$.

Кейинчалик, $m=3$ бўлганда (1) кўринишдаги Сард маъносида оптимал квадратур формуланинг коэффициентлари учун қуйидаги исботланган.

Теорема 7. $W_2^{(3,0)}$ фазода (1) кўринишдаги Сард маъносида оптимал квадратур формуланинг коэффициентлари қуйидаги кўринишга эга

$$C[0]=1-\frac{T}{e^h-1}-\sum_{k=1}^{2}\left(\frac{m_k\tau_k}{e^h-\tau_k}+\frac{n_k\tau_k^N}{\tau_k e^h-1}\right),$$

$$C[\beta]=T+\sum_{k=1}^{2}\left(m_k\tau_k^{\beta}+n_k\tau_k^{N-\beta}\right),\ \beta=1,...,N-1, \tag{31}$$

$$C[N]=\frac{Te^h}{e^h-1}+e^h\sum_{k=1}^{2}\left(\frac{m_k\tau_k^N}{e^h-\tau_k}+\frac{n_k\tau_k}{\tau_k e^h-1}\right)-1,$$

$K,\ K_1,\ K_2,\ T, \tau_k$ маълум катталиклар ва $|\tau_k|<1$.

3.3 параграфда $W_2^{(3,0)}$ фазода (1) кўринишдаги оптимал квадратур формуланинг ℓ хатолик функционалининг нормаси ҳисобланган ва қуйидаги натижа олинган.

Теорема 8. $W_2^{(3,0)}$ фазода (1) кўринишдаги Сард маъносида оптимал квадратур формуланинг (5) хатолик функционали нормасининг квадрати учун қуйидаги ўринли

$$\|\mathring{\ell}\|^2=1-\frac{(2N-1)T+C[0]+C[N]}{2}+Q_1+\frac{1}{6}Q_2+\frac{1}{3}Q_3, \tag{32}$$

бунда $Q_1,\ Q_2,\ Q_3$ маълум катталиклар.

Бундан ташқари, 3.4-параграфда $W_2^{(m,0)}$ фазода $m=1,2$ ва $m=3$ бўлганда оптимал интерполяцион формула коэффициентларининг ошкор кўринишлари келтирилган ва топилган.

Айтайлик, бизга $x_\beta\in[0,\ 1]$, $\beta\ =\ 0,\ 1,\ ...,\ N$ нуқталарда $y_\beta,\ \beta\ =\ 0,\ 1,\ ...,\ N$ қийматлар берилган бўлсин. Қуйидаги интерполяция масаласини қараймиз.

3–Масала. (3) ярим нормага минимум берувчи ва

$$S_m\left(x_\beta\right)=\varphi\left(x_\beta\right),\ \ \beta=0,1,...,N, \tag{33}$$

интерполяция шартларини қаноатлантирувчи $S_m(x)\in W_2^{(m,0)}$ функцияни топинг, бунда $x_\beta\in[0,\ 1]$ - интерполяция тугун нуқталари, $\varphi\left(x_\beta\right)=y_\beta$ - берилган қийматлар.

Шуни таъкидлаш жоизки, $m=1$ ва $m=2$ ҳоллардаги 3-масаланинг ечими бўлган $S_1(x)$ ва $S_2(x)$ натурал сплайнлар, Х.М.Шадиметов ва А.Р.Хаётовнинг ишларида $W_2^{(1,0)}$ и $K_2(P_2)$ фазоларда қурилган сплайнлар билан устма-уст тушади.

Биз $m=3$ бўлганда 3-масалани ўрганиб чиқдик ва унинг ечими учун қуйидаги формулани олдик

$$S_3(x)=\sum_{\gamma=0}^{N}C_\gamma G_3\left(x-x_\gamma\right)+d_1e^{-x}+d_2e^{\frac{x}{2}}\cos\left(\frac{\sqrt{3}}{2}x\right)+d_3e^{\frac{x}{2}}\sin\left(\frac{\sqrt{3}}{2}x\right), \tag{34}$$

бунда $d_1,\ d_2$ ва d_3 - ҳақиқий сонлар.

3-масаланинг (34) кўринишдаги $S_3(x)$ ечими $N\geq 2$ бўлганда мавжудлини ва ягоналиги исботланган. $S_3(x)$ интерполяцион формуланинг $C_\gamma,\ \gamma=0,1,...,N,\quad d_1, d_2$ ва d_3 коэффициентлари учун қуйидаги система олинган

$$\sum_{\gamma=0}^{N} C_\gamma G(x_\beta - x_\gamma) + d_1 e^{-x_\beta} + d_2 e^{\frac{x_\beta}{2}} \cos\left(\frac{\sqrt{3}}{2}x_\beta\right)$$

$$+d_3 e^{\frac{x_\beta}{2}} \sin\left(\frac{\sqrt{3}}{2}x_\beta\right) = \varphi(x_\beta),\ \beta=0,1,\ldots,N, \tag{35}$$

$$\sum_{\gamma=0}^{N} C_\gamma e^{-x_\gamma} = 0, \tag{36}$$

$$\sum_{\gamma=0}^{N} C_\gamma e^{\frac{x_\gamma}{2}} \cos\left(\frac{\sqrt{3}}{2}x_\gamma\right) = 0, \tag{37}$$

$$\sum_{\gamma=0}^{N} C_\gamma e^{\frac{x_\gamma}{2}} \sin\left(\frac{\sqrt{3}}{2}x_\gamma\right) = 0. \tag{38}$$

Қуйидаги ўринли

Теорема 9. $W_2^{(3,0)}$ фазода (34) кўринишдаги оптимал интерполяцион формуланинг коэффициентлари қуйидаги кўринишга эга

$$C[0] = \frac{3}{K}\Bigg[\varphi(0)\left(M_1 - \frac{K_1}{K}\right) + \varphi(h) + d_1^- e^h + d_2^- e^{-\frac{h}{2}} \cos\left(\frac{\sqrt{3}}{2}h\right) -$$

$$-d_3^- e^{-\frac{h}{2}} \sin\left(\frac{\sqrt{3}}{2}h\right) + \sum_{k=1}^{2}\frac{A_k}{\tau_k}\left(\sum_{\gamma=0}^{N}\tau_k^\gamma \varphi(h\gamma) + M_k + \tau_k^N \cdot N_k\right)\Bigg], \tag{39}$$

$$C[\beta] = \frac{3}{K}\Bigg[\varphi(h\beta)\left(M_1 - \frac{K_1}{K}\right) + \varphi(h(\beta-1)) + \varphi(h(\beta+1)) +$$

$$+\sum_{k=1}^{2}\frac{A_k}{\tau_k}\left(\sum_{\gamma=0}^{N}\tau_k^{|\beta-\gamma|}\varphi(h\gamma) + \tau_k^\beta \cdot M_k + \tau_k^{N-\beta}\cdot N_k\right)\Bigg],\ \beta=1,2,...,N-1, \tag{40}$$

$$C[N] = \frac{3}{K}\Bigg[\varphi(1)\left(M_1 - \frac{K_1}{K}\right) + \varphi(1-h) + d_1^+ e^{-(1+h)} + d_2^+ e^{\frac{1+h}{2}} \cos\left(\frac{\sqrt{3}}{2}(1+h)\right) +$$

$$+d_3^+ e^{\frac{1+h}{2}} \sin\left(\frac{\sqrt{3}}{2}(1+h)\right) + \sum_{k=1}^{2}\frac{A_k}{\tau_k}\left(\sum_{\gamma=0}^{N}\tau_k^{N-\gamma}\varphi(h\gamma) + \tau_k^N \cdot M_k + N_k\right)\Bigg], \tag{41}$$

бунда $K,\ K_1,\ \mathrm{M}_1,\ A_k,\ M_k, N_k, d_1^\pm,\ d_2^\pm,\ d_3^\pm$ ва τ_k лар маълум катталиклар.

Учинчи боб охирида, сонли мисолларда $W_2^{(m,m-1)}$, $K_2\left(P_m\right)$ ва $W_2^{(m,0)}$ фазолардаги оптимал квадратур ва интерполяцион формулаларнинг хатоликлари таққосланган.

ХУЛОСА

Диссертация иши $W_2^{(m,0)}$ гильберт фазосида экспоненциал-тригонометрик функцияларга аниқ бўлган Сард маъносида оптимал квадратур формулалар ва интерполяцион формулалар қуришга бағишланган.

Изланишнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат.

1. $W_2^{(m,0)}$ фазода экспоненциал-тригонометрик функцияларга аниқ бўлган квадратур формуланинг экстремал функцияси топилган.
2. $W_2^{(m,0)}$ фазода квадратур формуланинг хатолик функционали нормасининг кўриниши олиган.
3. $W_2^{(m,0)}$ фазода m тоқ бўлганда оптимал квадратур формуланинг коэффициентлари учун чизиқли тенгламалар системаси олинган, система ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган.
4. Оптимал квадратур ва интерполяцион формулалар қуришда муҳим аҳамиятга эга бўлган m тоқ ҳоли учун $\frac{d^{2m}}{dx^{2m}}-1$ ва $\frac{d^8}{dx^8}+2\frac{d^4}{dx^4}+1$ дифференциал операторларнинг дискрет аналоглари қурилган ва уларнинг хоссалари исботланган
5. $W_2^{(m,0)}$ фазода $m=1,2,3$ экспоненциал, тригонометрик ва экспоненциал-тригонометрик функцияларга аниқ бўлган Сард маъносида оптимал квадратур формулалар келтирилган ва қурилган.
6. $W_2^{(m,0)}$ фазода $m=1,2,3$ ҳоллари учун оптимал хатолик функционалининг нормаси ҳисобланган.
7. $W_2^{(m,0)}$ фазода $m=1,2,3$ экспоненциал-тригонометрик функцияларга аниқ бўлган интерполяцион формулалар келтирилган ва қурилган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.01.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

ИНСТИТУТ МАТЕМАТИКИ ИМЕНИ В.И.РОМАНОВСКОГО

БОЛТАЕВ АЗИЗ КУЗИЕВИЧ

ОПТИМАЛЬНЫЕ РЕШЕТЧАТЫЕ КВАДРАТУРНЫЕ И ИНТЕРПОЛЯЦИОННЫЕ ФОРМУЛЫ НА КЛАССАХ ДИФФЕРЕНЦИРУЕМЫХ ФУНКЦИЙ

01.01.03 – Вычислительная и дискретная математика

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по
ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ-2021

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.2.PhD/FM342.

Диссертация выполнена в Институте математики им. В.И.Романовского АН РУз.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (http://ik-fizmat.nuu.uz/) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:	**Шадиметов Холматвай Махкамбаевич** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Алоев Рахматилло Джураевич** доктор физико-математических наук, профессор
	Баротов Адизжон Садиевич кандидат физико-математических наук
Ведущая организация:	**Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится «____» ____________2021 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «____» ______________2021 года.
(протокол рассылки №________ от «____» ______________2021 года).

А.Р. Марахимов
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

З.Р. Рахмонов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

Р.Д. Алоев
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученой степени доктора
наук, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире, многочисленные научные и практические исследования, в основном сосредоточены на анализе сейсмограмм землетрясений, моделировании оптических систем и синтезированных голограмм, анализе изображений компьютерной томографии. Численно-аналитические решения дифференциальных уравнений с частными производными и интегральных уравнений, выражаясь с помощью квадратурных, кубатурных и интерполяционных формул, являются объектом исследований в области численной алгебры, теории численного интегрирования, интерполяции, аппроксимации и других подобных задач. Поэтому построение оптимальных квадратурных и интерполяционных формул точных на экспоненциально-тригонометрических функциях на классах дифференцируемых функций, нахождение порядка сходимости построенных квадратурных формул в гильбертовом пространстве, остается одной из важных задач вычислительной математики.

В настоящее время в мире широко изучаются оптимальные и наилучшие квадратурные, кубатурные и интерполяционные формулы с высокой точностью в различных функциональных пространствах. Оптимальные и наилучшие квадратурные, кубатурные и интерполяционные формулы широко используются при численно-аналитическом решении дифференциальных уравнений с частными производными связанными с граничными условиями и интегральных уравнений, приближенном вычислении точных и несобственных интегралов, приближении функций в некоторых пространствах. Поэтому построение оптимальных квадратурных и интерполяционных формул и оценка их погрешностей на классах дифференцируемых функций является одним из целевых научных исследований.

В нашей стране большое внимание уделяется таким важным направлениям, как градостроительство, промышленное строительство, компьютерная томография, разработке численных и аналитических методов решения геофизических задач, которые являются научным и практическим применением фундаментальных наук. В частности, значительные результаты были получены при построении оптимальных решетчатых квадратурных, кубатурных и интерполяционных формул в различных пространствах, а также по оценке их погрешностей в гильбертовых пространствах. Проведение научных исследований на уровне международных стандартов по приоритетном направлениям «Функциональный анализ, алгебра, дифференциальные уравнения, математическая физика, математическое моделирование, вычислительная и дискретная математика, теория вероятностей и математическая статистика» в деятельности Института математики имени В.И.Романовского АН РУз, является одной из основных задач [2]. Для обеспечения выполнения постановления важно построить

---

[2] Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП–4708 «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики» от 07 мая 2020 года.

квадратурные и интерполяционные формулы, а также интерполяционные сплайн функции и оценить их погрешностей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП – 4947 от 07 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в постановлениях №ПП – 2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», №ПП – 2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», №ПП – 3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», №ПП – 4708 от 07 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», а также в других нормативно–правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

